


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 15 сентябрь, № 195 (7697) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯХЛИТ ОНЛАЙН ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 сентябрь куни электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Электр энергияси ва табиий газ ҳаёт ва иқтисодиёт учун жуда зарур ресурслардир. Бу тармоқлар инфратузилмаси узоқ йиллар модернизация қилинмагани сабабли уларни етказиб беришда йўқотишлар кўп эди. Ҳисоб-китобни жой-жойига қўйиш учун автоматлаштирилган тизимлар зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Хусусан, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилган 7 та туман ва шаҳарда тўловлар ундирилиши 40 фоиз ошган, дебитор қарздорлик эса 20 фоиз қисқарган. Ушбу тизимни мамлакатимизнинг барча ҳудудида татбиқ этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Йиғилишда электр энергияси ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини тўлиқ жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бу мақсадлар учун қарийб 1,2 миллиард доллар маблағ йўналтирилмоқда.

**— Бу маблағларнинг натижадорлиги ва қайтими фақатгина ҳисоблагичларни ўрнатиш билан ҳал бўлиб қолмайди. Истеъмолчи сарф қилган энергия ресурси ҳажмини билиш билан тизимдаги йўқотишлар ва ўғирликларга чек қўйиб бўлмайди. Бунинг учун "энергияни ишлаб чиқарувчи — магистраль тармоқлар — тақсимлаш тармоқлари — истеъмолчи" жараёнларининг ҳар бир занжирини қамраб олувчи яхлит онлайн тизимни яратиш керак, — деди давлат раҳбари.**

Ҳамма жойда ҳисоблагичлар ўрнатиш, уларга хизмат кўрсатадиган сервислар ташкил этиб, узлуксиз ишлашини таъминлаш, малакали кадрлар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳокимлар, сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари аҳоли билан ҳар куни ишлаб, қарздорликни вақтида тўлаш, тармоққа ноқонуний уланишларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини кучайтириши лозимлиги қайд этилди.

Бугунги кунда жойларда қарийб 4 миллион дона электр энергияси ҳисоблагичи ўрнатилиб, шундан 2 миллионтаси ягона электрон базага уланган. Йиғилишда "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятига йил якунигача яна 3,5 миллион дона электр ҳисоблагич ўрнатиб, 2021 йил 1 мартга қадар автоматлаштирилган тизимни тўлиқ ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, йирик истеъмолчи ва тадбиркорлик субъектлари, тақсимлаш пункти ҳамда трансформаторларга электрон ҳисоблагичлар ўрнатиб, уларни ҳам ягона электрон базага улаш бўйича топшириқ берилди.

"Ҳудудгазтаъминот" акциядорлик жамияти жорий йил якунигача аҳолига 1,2 миллион дона, келгуси йилнинг биринчи ярмида яна 2,3 миллион дона замонавий газ ҳисоблагич ўрнатиши зарурлиги таъкидланди.

Бунда, биринчи навбатда, табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган 22 та туман ва шаҳар қамраб олинади. 4 мингдан зиёд йирик истеъмолчилар, газ қуйиш шохобчалари ва ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, 850 та иссиқхона автоматлаштирилган тизимга уланади.

Энергетика вазирлигига ҳар бир туман, шаҳар кесимида ҳисоблагичларни етказиб бериш, ўрнатиш ва тизимга улаш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш топшириғи берилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ҳудудларда ишчи гуруҳлар тузиб, маҳалла раислари билан биргаликда аҳолига ҳисоблагичлар ўрнатишни ташкиллаштириш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш вазифаси қўйилди.

"Ҳудудий электр тармоқлари" ҳамда "Ҳудудгазтаъминот" жамиятларининг техник ходимлари ва IT мутахассисларини ушбу замонавий тизим билан ишлаш, унинг барча имконият ва қулайликларидан самарали фойдаланиш бўйича малакасини ошириш кераклиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудудда ҳисоблагич ва бошқа ускуналарни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш тизимини яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда электр энергияси ва табиий газдан дебитор қарздорликни камайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Тармоқ раҳбарлари электр энергияси ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот қилди.

**ЎзА.**

## АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ АФҒОНЛАРАРО ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИНИ БОШЛАШ НУҚТАСИ БЎЛДИ

*Доҳада 12 сентябрь куни (Қатар) Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш бўйича узоқ кутилган афғонлараро музокаралар бошланди. Кобул ҳукумат делегациясининг "Толибон" ҳаракати билан учрашуви Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун тарихий имконият сифатида баҳоланмоқда.*

— Тўғридан-тўғри мулоқот сўнгги ўн йилликда биринчи бор бўлиб ўтмоқда ва афғон халқи учун тинч ҳаётни ўрнатишга ҳақиқий умид бахш этмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими Баҳодир Эгамов "Дунё" ахборот агентлиги мухбирига берган эксклюзив интервьюсида. — Музокаралар бошланиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон расмий делегацияси, Қатар, АҚШ, Норвегия, Германия, Буюк Британия, Покистон, Япония ва бошқа мамлакатлар вакиллари қатнашди.

Афғонистонда тинчликка эришиш ҳақида сўз борар экан, Афғонистон вакиллари, шунингдек, Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш жараёнларига жалб этилган мамлакатлар сиёсатчилари ва экспертлари бунда Тошкентнинг муҳим ролини алоҳида эътироф этди. Бундан ташқари, айнан Ўзбекистон Президентининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича ташаббуслари афғон музокаралари жараёнини қайта тиклашга ва ташқи иштирокчиларнинг вазиятга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга ёрдам бергани ҳақида фикр билдирилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, қандай сабабларга кўра Ўзбекистон сиёсати юқори баҳо ва эътирофларга сазовор бўлмоқда? Урушлардан азият чеккан мамлакатда тинчликка эришишда расмий Тошкент томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Президент Шавкат Мирзиёевнинг қандай ташаббусларини мисол сифатида келтириш мумкин?

➡ 3

## ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ ЯНГИ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

*ДУШАНБЕ, 14 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Ғайрат ХОННАЗАРОВ хабар қилади.*

*Тожикистон пойтахтида 14 сентябрь куни "Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарларининг дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, ўзбек — тожик стратегик шериклигида янги саҳифанинг очилиши" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

Мазкур анжуман Тожикистон Республикаси Миллий Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияни Тожикистон Миллий Фанлар академияси президенти Фарҳод Раҳимий, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов ва мамлакатимизнинг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эргаш Шоисматов кириш сўзи билан очди. Нотиқлар мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг қатъий сиёсий иродаси, изчил, мақсадли саъй-ҳаракатлари туфайли янгича шакл, мазмун ва моҳият касб этгани, бугунги кунга келиб турли соҳалардаги ҳамкорлик кўлами мисли кўрилмаган даражада юқори суръатда кенгайиб бораётганини қайд этди. Энг муҳими, давлат раҳбарларининг интилишларини нафақат сиёсатчилар, экспертлар, балки икки мамлакат халқи чин юракдан, тўлқинланиб эътироф этмоқда. Зеро, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги илиқ муносабатлар бугунги кунда савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар, таълим, илм-фан, санъат ва маданият каби турли соҳаларда жадал тараққий этиб бормоқда. Қолаверса, асрлар синовидан ўтган биродарлик, қондошлик алоқалари оддий одамлар ўртасидаги борди-келди, қариндош-уруғ, қуда-анда кўринишида ҳам қайта тикланиб, мустаҳкамланиб боряпти.

Халқаро конференция ялпи мажлисида Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти масъул ходимлари, икки давлат Фанлар академиялари мутахассислари, олимлар, экспертлар мамлакатларимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маданий ва бошқа соҳалардаги муносабатларининг жорий ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар.

Экспертларимиз чиқишларида илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига келгач, Марказий Осиё мамлакатимиз ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида белгилангани, айни жараёнда Тожикистон билан муносабатларни янги босқичга кўтариш асосий мақсадлардан бири экани таъкидланди. Маъруза давомида давлатларимиз ўртасидаги кўплаб соҳаларда изчил ривожланаётган алоқалар, ҳамкорлик кўлами жадал суръатда кенгайиб бораётгани таҳлиллар, статистик рақамлар ёрдамида асослаб берилди.

Масалан, сўнгги уч йил таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2016 йили икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 200 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2019 йил охирига келиб ушбу кўрсаткич уч баравар ортиб, 497 миллион долларга етди. Бутун дунёда коронавирус инфекцияси тарқалиши муносабати билан муайян чекловлар жорий қилинганига қарамасдан, 2020 йилнинг январь — июль ойларида ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 275,2 миллион долларга тенг бўлди.

Тожикистонлик маърузачилар, ўз навбатида, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ривожи халқларимиз турмуш тарзида акс этаётганини таъкидлади.

➡ 3

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**

## ФРАКЦИЯЛАР ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛДИ

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, масъул мутасаддиларга юборилган парламент сўровига жавоб ҳам дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

### Виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқи

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилиши "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Унда таъкидланганидек, мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишда халқаро меъёрлар талаблари, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг умумий тартибдаги шарҳлари инобатга олинган.

➡ 2

## ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

**Ана шу талаб барча ишимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.**



**Олий Мажлис Сенати**

*Йил оғир келди. Бутун жаҳонда кузатилгани каби мамлакатимизда ҳам пандемия ва унинг ортидан келган глобал иқтисодий инқироз жиддий ташвишларга сабаб бўлди. Бунинг баробарида, шу йилнинг 1 майида Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиб, аҳоли хонадонлари ва экин майдонларини сув босган, юзлаб юртдошларимиз бошпанасиз қолган эди.*

*Давлатимиз раҳбари ўша куннинг ўзидаёқ воқеа жойига етиб бориб, тўғон ўпирилиши билан боғлиқ ҳодиса оқибатларини бартараф этиш, жумладан, аҳолини тезкор эвакуация қилиш, уларга бирламчи яшаш шароити яратиш, озиқ-овқат ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш, тўғоннинг ўпирилган қисмини тиклаш-таъмирлаш борасида заруp кўрсатмалар берди. Айниқса, офатдан жабр кўрган аҳоли билан учрашиб, уларга далда бўлгани, ҳаммага ёрдам берилишини айтганида, офатдан боши қотиб, кўнгли чўкиб турган юртдошларимиз қалбида яна ишонч туғилди, десак, айни ҳақиқат.*



2-бетга қаранг

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 21 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда) **20-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«20-модда. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибияти томонидан таъминланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти юридик шахс бўлиб, унинг фаолияти тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг тузилмаси, низоми, штатлари, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек уларни сақлаш харажатлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари муддатига боғлиқ бўлмайди, котибият мудири бундан мустасно.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг мудири тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан унинг ваколати муддатига тайинланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва ўз номи туширилган муҳрига ҳамда бланкаларига эга бўлади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг намунавий тузилмаси ва намунавий низоми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан тасдиқланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»**ги 706–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2020 йил № 8, 488-модда) **16-моддасининг биринчи қисмидаги** «Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари» деган сўзлар «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 14 сентябрь
№ ЎРҚ— 636

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

## Ана шу талаб барча ишимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.



1

Ушбу фавқулодда ҳамда техноген ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш бўйича Президент ва Ҳукумат даражасида барча зарур чоралар тезкор ҳамда қатъият билан амалга оширилди. Бугунги кунда ҳам бу тадбирлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Айниқса, жабр кўрган оилаларни қўллаб-қувватлаш ишлари умумхалқ ҳаракати тусини олганлиги нур устига нур бўлди. "Сардобага ёрдам" акцияси халқимиз жипслигининг яна бир далили, ёрқин исботига айланди. Акция доирасида қанчадан-қанча одамларга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Коронавирус билан боғлиқ вазиятда халқимиз бошига тушган бу синовли кунлар ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат риштлари билан бархам топмоқда. Шундай дамда халқимиз таҳликага тушмасдан, аксинча, янада жипслашди. Кўплаб ватандошларимиз ташаббус билан чиқиб, қалб амри билан ёрдам қўлини узатишга ошиқдилар. Бу хайрли ишдан тадбиркорлар ишбилармонлар, ўқитувчи шифокорлар, деҳқонлар чўпонлар, хуллас, ҳеч ким четда турган йўқ. Юртимизнинг турли ҳудудидан ёрдам карвонлари кела бошлади. Такрор бўлса-да айтаман, бу халқимизга хос бағрикенглик, қийналиб турганларга ёрдам беришга интилишнинг ёрқин намунасидир.

### *Мурожаатимни сенаторлар ҳал қилиб берди*

**Муқаддас ҲАЙИТОВА (Оқолтин туманидаги Саховат маҳалласи):**

*— 2018 йили паррандачилик учун "Агробанк" АТБ Оқолтин тумани филиалидан 8,5 миллион сўм кредит олгандим. Тошқин туфайли паррандалар нобуд бўлди. Бунинг устига, суяк емирилиши ташхиси билан даволанаётгандим.*

*Икки қизимни турмушга берганман, яна икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Юзага келган қийинчиликлар туфайли олган кредитимни тўлолмай қолдим, тўлов муддатини узайтириш бўйича сўраб, Сенатга мурожаат қилдим. Сенаторлар вазиятни атрофлича ўрганишди ва мурожаатимни ижобий ҳал қилди. Яъни кредитни қайтариш муддати олти ойга узайтирилди. Етказилган зарар кредит шартномасига кўра суғурта компанияси томонидан қоплаб берилиши масаласи ҳам ҳал этилиши маълум қилинди. Боз устига оёғимда жарроҳлик амалиётини ўтказиш харажати учун ҳам катта ёрдам берилди. Ҳозир икки фарзандим билан эртанги кунга катта ишонч, яхши орзулар умидида ҳаёт кечирмоқдаман. Энг асосийси, инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун бўлган юртда яшаётганимдан бахтиёрман.*

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан бу борадаги вазифалар ижроси назоратга олинган. Албатта, Сардоба сув омборида юзага келган ҳолат сабаблари, керак бўлса, сабабчилари аниқланади ва қонуний баҳо берилади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Бугун ҳаёт давом этмоқда, айни пайтда жабр кўрган аҳолини қўллаб-қувватлаш, муҳими, одамларни рози қилишга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Биз, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам фаолиятимизда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Аниқроқ айтганда, Сенатга келиб тушаётган қўллаб мурожаатлар жойларнинг ўзига чиқиб ўрганилмоқда. Олиб борилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида қанчадан-қанча муаммолар ҳал этилаётир. Бу борада, айниқса, юқори палата томонидан тузилган ишчи гуруҳнинг ўрни салмоқли бўлмоқда, десак, муболаға эмас. Мазкур гуруҳ томонидан Сардоба сув омбори тўғонида юзага келган техноген ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати батафсил ўрганиб чиқилди. Одамлар билан юзма-юз мулоқот жараёнида қатор муаммолар аниқланди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Бироқ эътибордан четда қолган муаммолар ҳам борки, улар эришилган ютуқларга соя солиши мумкин. Ҳатто битта жабрланган инсоннинг ечилмай қолган муаммоси парламентга, Ҳукуматга ва умуман, ислоҳотларга салбий баҳо берилишига олиб келиши мумкин. Зотан, ҳар бир қилинаётган ишларимиз ортида одамлар манфаати туриби. Шунинг учун бу борадаги вазифалар ижросида сусткашликка асло йўл қўйиш мумкин эмас.

### Сенат Кенгаши Сирдарёда

Шу йилнинг 14 — 18 август кунлари Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи томонидан Сардоба сув омбори тўғонидан сув тошиши оқибатида катта талафот кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида олиб борилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Олинган хулосалар эса 5 сентябрь куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг Сирдарё вилоятида ўтказилган сайёр мажлисида батафсил муҳокама қилинди. Унда Сенат аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси мутасаддилари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Сирдарё вилояти ҳокимлиги масъуллари, секторлар раҳбарлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда ҳудуд фаоллари қатнашди.

### *Уй ажратишда қонунийлик, ҳаққонийлик ва шаффофликка амал қилиняпти*

**Ғайбулла УСМОНОВ, халқ депутатлари Мирзаобод тумани Кенгаши депутати:**

*— Туманимиздаги тошқиндан жиддий зиён кўрган Ҳақиқат, Навбаҳор, Дўнгариқ, Мирзачўл маҳаллалари аҳолиси учун барча шароитни яратиш чораларини кўряпмиз. Шу мақсадда яқинда Сенат ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш ўтказилиб, қўшимча тавсиялар берилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.*

*Ҳозирги кунда биз, депутатлар кўп қаватли уйлар хонадонлари адолатли тақсимланишига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Туман Кенгаши қошида шу масала билан шуғулланувчи ишчи гуруҳи ташкил қилинган. Айни пайтда ҳужжатлар қабул қилиш жараёни кетяпти. Қонунийлик, ҳаққонийлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши билан келишган ҳолда Мирзаобод, Оқолтин, Сардоба туманларида қурилаётган кўп қаватли уйлар тақсимоти тартиб-қоидалари бўйича мазкур туманлар Кенгашлари учун ягона низом ишлаб чиқдик ва қабул қилдик. Ўйлаймизки, низом асосида фаолият олиб борсак, албатта, аҳоли биздан рози бўлади.*

Бунда мазкур кутилмаган фожиани бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар, белгиланган чора-тадбирлар ҳамда сув тошқини натижасида жабрланган фуқаролардан келиб тушган мурожаатларга эътибор қаратилди. Бу жараёнга ҳудуддаги сенаторлар ҳам жалб этилиб, муаммоларни аниқлаш мақсадида халқ депутатлари Мирзаобод, Оқолтин, Сардоба туманлари Кенгашлари депутатлари иштирокида аҳоли билан бевосита мулоқот олиб борилди.

Хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур туманлардаги бир қанча аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа объектлари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг экин майдонлари жиддий талафот кўрган.

Ўша оғир кунларда қарийб тўқсон минг нафарга яқин аҳоли хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинган. Бугунги кунга қадар уларнинг асосий қисми ўз яшаш манзилига қайтарилган бўлса-да, деярли ўн беш минг нафари кўчирилган ҳудудлардаги аҳоли хонадонларида ҳамда таълим муассасаларида яшаётгани маълум бўлди.

### Рақамлар ортида инсонлар тақдири бор

Халқимизда "Кушнинг ҳам уяси бузилмасин", деган ҳикматли нақл бор. Бу кутилмаган ҳодисадан энг кўп жабр кўрган ҳам шу бошпанасиз қолган инсонлардир. Ўз меҳнати билан тинчгина умргузаронлик қилаётган икки минг икки юздан зиёд юртдошларимиз уйи яроқсиз ҳолга келиб қолди. Қарийб икки ярим мингта хонадон эса жиддий таъмирталаб. Уйсизларни уй билан таъминлаш ёки таъмирлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Уйи яроқсиз ҳолга келган фуқароларни янги уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2 минг 640 хонадонли 66 та кўп қаватли уйлар қуриш режалаштирилган бўлиб, шу кунгача бу вазифа 56 фоизга бажарилган. Демак, бу борада ҳали қилинадиган ишлар етарли.



Зарар кўрган ўттиздан зиёд ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш учун Давлат бюджетидан 84 миллиард сўмлик маблағ ажратилган бўлиб, бу йўналишдаги ишлар ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, 106,5 км. ичимлик суви тармоқлари, 8 та сув тақсимлаш иншооти, 1 км. оқова сув тармоқларини тиклаш учун 13 та аҳоли пунктида юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун 129,7 млрд. сўм ҳажмида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган.

Албатта, давлат томонидан бундай катта маблағнинг ажратилиши замирида, аввало, шу ҳududдаги инсонларнинг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар мужассам.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида техноген ҳолат оқибатларини бартараф этиш бўйича ечимини кутаётган айрим муаммолар сақланиб қолаётгани ҳам аниқланди.

Аввало, ушбу офат ҳудудда мавжуд тадбиркорлик субъектларига ҳам жиддий зарар етказган. Бугунги кунда 175 та тадбиркорлик субъектидан 32 тасига етказилган зарар 9,1 млрд. сўм миқдорида аниқланган бўлса-да, қолган 143 та тадбиркорнинг мол-мулкига етказилган зарар миқдори бўйича аниқ ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган. Табиийки, уларга етказилган зарарни қоплаш бўйича зарур амалий чора-тадбирлар кўрилмаган.

Яна бир муаммо, умумтаълим объектларини таъмирлаш, тиклаш ва қайта қуриш ишлари белгиланган муддатда амалга оширилмаётгани билан боғлиқ.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағларга нисбатан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қўшимча ўн беш миллиард сўмдан зиёд маблағ зарур. Энг қийини, уй-жойсиз қолган фуқаролар ҳозирги кунга қадар таълим муассасасида, шу жумладан, 6 та умумтаълим мактабида яшаётганлиги сабабли бу мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш иши кечикмоқда.

Ирригация-мелиорация объектларини тиклаш бўйича молиялаштириш ишлари якунига етказилмаган.

Энг ачинарлиси, айрим қишлоқ хўжалиги тармоқларига офатдан етган зарарни қоплаш ишлари етарли даражада бажарилмаган.

Талафот кўрган 54 та фермер хўжалигининг 4 204 гектар пахта ва ғалла майдонларига экинларни қайта экиш учун суғурталанмаган зарарни қоплаш масаласи ҳал этилмаган.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги соҳасида 118,7 млрд. сўмлик 60 та лойиҳа суғурталанмаганлиги боис зарарни қоплаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик йўналишларида ҳам юқоридаги каби муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

### Аёллар ва ёшлар муаммоси қандай ҳал бўляпти?

Сенат аъзолари жиддий эътибор қаратган жиҳатлардан бири, бу, ҳудуддаги ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари. Афсуски, бу борадаги тадбирлар ҳам суст даражада олиб борилмоқда.

Жумладан, "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида Сардоба туманида амалга оширилиши кўзда тутилган ўндан ортиқ лойиҳалар тегишли мутасаддилар масъулиятсизлиги сабабли бажарилмаган ва ёшлар учун мўлжалланган янги иш ўринлари яратилмаган.

Шунингдек, 186 нафар оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қизларнинг атиги қирқ фоизининг бандлиги таъминланган холос.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар учун Халқ банкининг вилоят филиалига 669 млн. сўм маблағ ажратилган бўлса-да, кредитлар берилмаган.

Умуман, талафот кўрган ҳудуддаги аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари ҳам етарли даражада ташкил қилинмаган.

Сардоба туманидаги "Xujand-Xovos" МЧЖ томонидан жорий йил 1 сентябрга қадар умумий қиймати 43,3 млрд. сўмлик қўшимча 150 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланган Интенсив боғ ва лимонарий ташкил қилиш лойиҳаси юзасидан хорижий кредит линияси бўйича "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ томонидан 3,3 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилмаган.

### *Таъмирланган хонадонларга кўчиб кирдик*

**Муҳаммад ҚЎШИМОВ (фахрий ўқитувчи):**

*— Кутилмаганда бошимизга тушган қийинчилик элимизни бирлаштирди, натижада ташвишимиз енгиллашди. Талафотдан уйим зарар кўрганди. Юртбошимиз ташаббуси билан кўплар қатори менинг уйим ҳам таъмирлаб берилди. Аввалгисидан ўн чандон кўркам уйга кўчиб кирдик.*

*Гапнинг очиғи, амалга оширилган ишлар биз ўйлагандан ҳам аъло. Энди уйимизда табиий газ ҳам, ичимлик суви ҳам бор. Кўчадан уйимиз остонасигача оёғимизга гард юқмайди. Йўл асфальтланди, кириш йўлагимизгача текис, равон қилиб берди, барака топкур қурувчилар. Ҳатто, томорқамиз ҳам эътибордан четда қолмабди. Масалан, ҳовлимда самарқандликлар эккан ниҳоллар ўсяпти. Ҳар доим эътибордамиз. Яқинда Сенатнинг ишчи гуруҳи ҳам келиб, бизнинг ҳолимиздан хабар олишди. Таклиф-мулоҳазаларимизни эшитиб, зарур тавсиялар берди. Бундай юксак эътибор учун Президентимизга, ҳамжиҳат халқимизга қанча раҳмат айтсак оз.*

Тижорат банклари томонидан 563 нафар фуқарога тикувчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик, иссиқхона, боғдорчилик ва деҳқончилик йўналишларида берилган кредитлар ҳисобига ташкил қилинган лойиҳаларга техноген ҳолат оқибатида жиддий зарар етган. Кредитларни қайтариш муддати узайтирилган бўлса-да, техноген ҳолат оқибатида кредитларни қоплаб бериш масаласи очиқ қолмоқда.

Шу ўринда ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар бандлигини таъминлаш масаласи ҳам мунтазам диққат марказида бўлиши, мазкур йўналишда тезкор чоралар кўрилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган бўлардик. Бу борада ҳудуддаги маҳаллий Кенгашлар депутатлари, айниқса, Ёшлар парламенти аъзолари назорат ва таҳлилни кучайтиришлари ҳамда асосли таклиф ва ташаббусларни илгари суриши мақсадга мувофиқдир.

### Камчиликларни биргаликда тузатиш зарур

Яна бир масала — бандлик масаласи пандемия ва глобал иқтисодий инқироз шароитида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли кредит сифатида тарқатишга йўналтирилган тайёр маблағни ўз эгаларига ажратиш, қолаверса, ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилса яхши бўларди. Бу йўналишда инвестиция лойиҳаларини ҳам амалга ошириш муҳим роль ўйнайди.

Хонадонма-хонадон юриб, ҳақиқий аҳвол ўрганилганда, илгари эътибор қаратилмаган бир қанча муаммолар юзага чиқди. Масалан, Оқолтин туманининг Сардоба шаҳарчасидаги Саховат маҳалласида яшовчи Муқаддас Ҳайитова 2018 йилда "Агробанк"нинг Оқолтин филиалидан паррандачиликни ривожлантириш мақсадида олган 8,5 миллион сўм кредити эвазига олинган паррандалари сув тошқинида нобуд бўлган.

Шунингдек, талафот кўрган ҳудудлардаги битта хонадонда иккитадан учтагача оила яшаган хўжаликларда моддий зарарни қоплаб бериш ёки янги уй-жой ажратиш масаласи зиён етган хонадонлар кадастр ҳужжатларига қараб ҳал қилинган. Натижада битта хонадонда яшовчи учта оиладан биттасига моддий зарар қоплаб берилиши оқибатида қолган иккита оиланинг уй-жой масаласи муаммолигича қоляпти.

Масалан, туманнинг Ҳақиқат маҳалласидаги Парвона кўчасида яшаган Шароф Эрбўтаевнинг уйини тошқин тўлиқ ювиб кетган. Оилада жами 11 киши яшаган бўлиб, кадастр битта бўлгани боис янги қурилаётган кўп қаватли уйлардан 3 хонали уй ажратилган холос. Ёки Шодлик маҳалласида яшовчи Сотиболди Абдуллаев хонадонида учта оила, жами 12 жон яшайди. Ҳовлисида иккита ўғлига уй қурган, бироқ кадастр ҳужжати битта уйга расмийлаштирилгани боис давлат томонидан 40 миллион сўм ва маиший техникалар учун сертификат битта оилага берилган. Бугунги кунда мазкур оилага ҳам янги уй-жой ажратилмасдан қоляпти.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Сирдарё вилоятида юз берган техноген ҳолат оқибатида жабр кўрган фуқаролар муаммоларини яна бир бор ҳукумат даражасида, ишчи гуруҳ ташкил қилган ҳолда, пухта ўрганиш зарур. Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан Ҳукумат комиссиясига таклиф киритиш лозим.

Талафот кўрган ҳудудларда моддий ёрдам ҳамда кўмакка муҳтож оилалар рўйхатига киритилган аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда рўйхатга киритилганларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш керак бўлади.

Шунингдек, юзага келган муаммоларни ўзаро уйғун тарзда, тизимли ҳал қилиш чораларини кўришда парламент, депутат ва жамоатчилик назорати ўрни муҳимлигини инобатга олиб, ушбу фаолиятимизни янада кучайтирсак, айни муддаодир.

Табиийки, ўрганиш жараёнида фақат муаммоларга дуч келганимиз йўқ. Ҳудудда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўриб, кўз қувнаган ҳолатлар ҳам кўп бўлди. Масалан, Оқолтин туманидаги Шодлик маҳалласининг Учтом йўли остонасиданоқ бутунлай янги манзара пайдо бўлган. Текис асфальтланган кўча бошида ўзига хос услубда бунёд этилаётган арк-дарвоза битиш арафасида. Кўкаламзорлаштирилган, икки четига эса ўриндиқлар ўрнатилиб, кичик хиёбон туси берилган. Энг муҳими, ушбу кўркамлик маҳаллага кирмасданоқ кишида бу манзилдаги катта ўзгаришлар ҳақида илк тасаввур уйғотади.

Мазкур маҳалла раиси Улуғбек Аллабердиевнинг айтишича, ҳозиргача Сурхондарё вилояти қурувчилари 78 та, қашқадарёликлар 132 та, Тошкент вилоятилик юртдошларимиз эса 128 та уйни тўлиқ таъмирдан чиқарган. Самарқанд вилоятидан келган қурувчилар 160 та уйни бутунлай янги қиёфага келтириш билан бирга, болалар майдончаси ҳам барпо этди. Қашқадарёликлар эса болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатувчи машқ майдончаси ва нуронийларга мулоқот айвончаси совға қилди. Бу ердаги мактабгача таълим ташкилотининг таъмири ниҳоясига етказилаётган бўлса, мактабда бу иш тугалланиб, айни вақтда қўшимча 230 ўринли ўқув биноси қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Дарҳақиқат, бундан бор-йўғи 5-6 ой олдин Учтом йўли ва Тошкент — Термиз автомагистрали туташадиган манзилдан ўтган киши бу жойларни танимай қолиши аниқ. Негаки, бу ерда жуда қисқа муддат — тўрт ойда янги массив пайдо бўлди. Шаҳар тусини олган Ҳақиқат маҳалласида пойтахтимизнинг нуфузли қурилиш компанияларидан бири томонидан кўп қаватли уйларнинг бир қисми топширишга тахт қилиб қўйилди. Қолганларида пардозлаш ва қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётир. Йўл четида эса йирик енгил саноат фабрикаси бунёд этилмоқда. Инфратузилма ва автойўлларни янгилаш ниҳоясига етказилаётир.

Буларни келтиришдан муродимиз — агар биргаликда ҳаракат қилсак, ҳар биримиз ўз зиммамиздаги вазифага масъулият билан ёндашсак, албатта, ҳар қандай муаммони ҳал этишимиз муқаррарлигини яна бир бор эслатиб қўйишдан иборат. Зеро, одамлар биздан кўп нарсаларни кутяпти. Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликдан четда қолмаслиги лозим. Айни шу талаб барча ишларимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



# ФРАКЦИЯЛАР ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛДИ

1

Унинг мақсади — ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ҳамда диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, динлараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш мақсадида ваколатли давлат органлари ҳамда диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Халқ вакилларининг айтишича, янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида виждон эркинлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва тамойиллари ҳамда ушбу соҳадаги ваколатли давлат органларининг ваколатлари баён этилган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан кафолатланган диний соҳада умумэътироф этилган ҳуқуқ ҳамда эркинликларни, юртимиздаги миллий-диний анъаналарнинг ўзига хос хусусиятлари ва бевосита Ўзбекистонда динлараро муносабатлар шаклланишининг тарихий шароитларини ўз ичига олганини таъкидлади.

### Дарахтларнинг кесилишини жаримани ошириш билан тўхтатиб бўладими?

Конституциямизнинг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, давлат муҳофазасида экани белгиланган бўлса-да, куни кеча кўзимизни яшнатиб турган дарахтларни ноқонуний кесиш ҳолатларига ҳаётимизда дуч келаётганимиз айни ҳақиқат. Таъкидлаш жоизки, жавобгарлик чоралари қанчалик кучайтирилмасин, 2019 йилда республика бўйича 3 996 та дарахт кесилиб, 7,3 млрд. сўм зарар етказилган бўлса, 2020 йилнинг 1 май ҳолатига, яъни тўрт ой ичида бу кўрсаткич 4 758 тани ташкил қилган.

Хўш, жаримани янада кучайтириш билан бу ҳолатга чек қўйиб бўладими?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида муҳокама қилинган "Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилишни такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси шундай баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, муҳокама қилинган ушбу қонун лойиҳасини янги тартибда ишлаб чиқишдан мақсад, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жиноят ҳамда маъмурий жавобгарликнинг янги механизмларини жорий этиш орқали ўсимлик дунёси, хусусан, дарахт, буталар ва бошқа ўсимликларни ноқонуний кесиш, шикастлантириш ёки кўчириб ўтказиш учун жиноий ҳамда маъмурий жавобгарликни кучайтиришдан иборатдир.

Лойиҳада Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга давлат экологик назоратини амалга ошириш, шунингдек, жисмоний ёки мансабдор шахсларнинг экология ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини бартараф этишда жавобгарлик доирасини кенгайтириш ва кучайтириш белгиланмоқда.

Дарахтларнинг кесилишини жаримани ошириш билан тўхтатиб бўладими ёки йўқми, буни энди вақт кўрсатади.

### Стратегик режалаштиришга оид ҳужжат муҳокамада

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида стратегик режалаштириш ҳужжатларини ҳамда уларни амалга оширишда жамиятнинг турли соҳалари, жумладан, узоқ муддатли ёки ўрта муддатли характерга эга бўлган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги мақсадлар, устуворликлар ва уларга эришиш бўйича вазифаларни аниқлашга хизмат қилувчи "Стратегик режалаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси орқали стратегик режалаштиришнинг илмий-услубий, ахборот ва ресурс таъминоти, режаларни амалга ошириш ҳолатини мониторинг қилиш тизими мамлакатнинг тизимли ривожланишига хизмат қилади.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида билдирилган қатор таклифлар инобатга олинганини айтиб ўтди. Хусусан, фракция ташаббуси асосида қонун лойиҳасидаги моддалар жойлашуви қайта кўриб чиқилди, аксарият асосий тушунчаларда берилган нормалар моддаларга кўчирилди, ваколатли органлар ваколатларига аниқликлар киритилди ва мувофиқлаштирилди. Шунингдек, стратегик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш масалаларига аниқликлар киритилди, айниқса, соҳада ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратилди.

Депутатлар очиқлик ва шаффофлик масалаларига, стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқишда жамоат бирлашмалари, илмий ҳамда бошқа ташкилотлар ўрнини белгилаш, Ҳукумат ваколатларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциялари ва стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни қўллаш вазифаларини киритиш масалаларини кўриб чиқиш таклифини илгари сурдилар.

### Камбағаллик масаласидаги парламент сўровига тўлдирилган жавоб маъқулланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида қонун лойиҳалари билан бир қаторда, "Камбағаллик даражасини аниқлаш мезонларини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида"ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоровнинг жавоби ҳақидаги масала ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Сўровга берилган жавоб айрим аниқлаштиришларни тақозо этгани учун ЎзХДП фракцияси таклифи билан парламент қуйи палатасининг аввалги йиғилишларидан бирида ушбу масала кун тартибидан чиқарилган, яъни жавобни кўриб чиқиш масаласи кейинроққа қолдирилган эди.

Парламент сўрови бўйича қўшимча маълумотлар олингач, ушбу масала яна бир бор фракция йиғилишида кўриб чиқилди.

Депутатлар мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ишларини самарали ташкил этиш муҳимлиги, бунинг учун камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини имкон қадар қисқа муддатда ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири эканини қайд этишди.

Фракция аъзолари бу масалага жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Уларнинг таъкидлашича, яшаш минимуми ҳақида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ҳамда унинг концепцияси Ҳукуматга киритилган. Мураккаблик ва қийинчиликларга қарамай, бу қонун лойиҳасини тегишли тартибда кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш зарур.

### Ўсимлик дунёси объектларини сақлашга эътибор кучайтирилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида юқоридаги қонун лойиҳалари билан бирга, "Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилишни такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Қонун ташаббускорлари томонидан қурилиш суръатлари ҳамда ҳажмининг ортиши муносабати билан дарахтлар ва буталарнинг ғайриқонуний равишда кесилиши, амалдаги қонун ҳужжатларида жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли кейинчалик кесиб ташлаш мақсадида дарахтларни кундаков қилиш ёки уларни ўсишдан тўхтатиш мақсадида шикастлантириш, шунингдек, уларни бошқа жойга кўчириб ўтказиш ҳолатларининг ошиб бораётгани қайд этилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жавобгарлик доирасини кенгайтириш ва кучайтириш, яъни жарима санкцияларини ошириш таклиф қилинмоқда.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши орқали дарахтлар, буталар ҳамда бошқа ўсимликлар ғайриқонуний кесилиши, кундаков қилиниши, йўқ қилиниши, шикастлантирилиши ёки бошқа жойга кўчирилишининг олдини олиш таъминланади. Шунингдек, ўсимлик дунёси объектларини сақлашга эътиборни кучайтириш билан ҳуқуқбузарликларнинг миқдор жиҳатдан камайишига, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишни тартибга солиш бўйича турли қонун ҳужжатлари нормаларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга имкон беради.

Фракциялар йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).**

# АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ АФҒОНЛАРАРО ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИНИ БОШЛАШ НУҚТАСИ БЎЛДИ

←1

Бунга **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими Баҳодир Эгамов** қуйидагича жавоб берди:

Биринчидан, ҳаммамизга маълумки, 2018 йилнинг март ойида Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси ўтказилди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу форум дунё ҳамжамиятининг Афғонистон Ислом Республикасида давом этаётган қон тўкилишига бўлган эътиборини қайтарди.

Ўша пайтда Президент Ашраф Ғани, Афғонистон тақдирига бефарқ бўлмаган деярли барча мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари, юқори мартабали дипломатлар Тошкентдаги форумда жамланди. Афғонистондаги муросасизликни тинчлик йўли билан ҳал қилишнинг асосий тамойилларини белгилаб берган Тошкент декларацияси қабул қилинди. Мухтасар айтганда, форумда мамлакатда тинчликни янада мустаҳкамлаш стратегияси бўйича келишувга эришилди.

Афғонистон инқирозини тинч йўл билан ҳал қилиш учун конференциянинг ўзи ҳам, Ўзбекистон раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканини тасдиқлаш учун Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг шу йил март ойи сўнгида айтган қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: “Бундан икки йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ўтказилган Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш учун сиёсий жараённи бошлаш, манфаатдор томонлар ўртасида ўзаро мақбул мулоқот шакллари ва механизмларини излашда муҳим воқеа бўлди”.

АҚШнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзод ҳам Тошкент конференцияси аҳамияти ҳақида гапириб, “Конференция амалдаги амалий натижаларга эришиш учун мустаҳкам пойдевор яратди”, деб эътироф этди. Маълумки, айнан шу анжумандан сўнг Америка томони билан “Толибон” ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар бошланди ва жорий йил 29 февраль куни Қатар пойтахтида АҚШ билан “Толибон” ўртасида шартнома имзоланди.

Унда мамлакатда тинчликка эришиш учун деярли барча муҳим шартлар — зўравонликларнинг камайиши, хорижий қўшинларнинг чиқарилиши, маҳбусларнинг озод этилиши ва афғонлараро ўзаро мулоқот бошланиши кўрсатилган эди.

Ушбу муҳим шартномани имзолаганлар, жумладан, “Толибон” ҳаракатининг Қатардаги сиёсий идораси раҳбари Мулла Бародар тинчлик жараёнини илгари суришда ёрдам бергани учун бошқа муҳим давлатлар қатори Ўзбекистонга ҳам самимий миннатдорлик билдирди.

Иккинчидан, Тошкентнинг Афғонистон йўналишидаги янгиланган сиёсати ва ташаббуслари бутун Афғонистонда — оддий халқ, расмий ҳукумат, турли сиёсий кучлар томонидан муносиб кутиб олинди.

Шуни таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон асосий афғон кучлари ва кенг аҳоли орасида ижобий обрўга эга.

Афғонистон томони Тошкентга ишонади ва ундан умидлари ҳам катта.

Покистон Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази мутахассиси Маҳмуд ул-Ҳасан бу муваффақиятни “Тошкентнинг Афғонистондаги сиёсати бошиданоқ амалий аҳамиятга эга формулага — Кобул билан “иқтисодий ҳамкорлик” орқали Афғонистон фуқаролари қалбини забт этиш, транспорт ва логистика ишларини муваффақиятли амалга ошириш, лойиҳалар, шунингдек, таълим дастурларини кенгайтиришга асосланган”и билан изоҳлайди.

Президент Ашраф Ғани билан шахсий ва ишончли мулоқотнинг ўрнатилгани, кўплаб масалалар бўйича тўлиқ ўзаро тушунишга эришилгани расмий Тошкент муваффақияти сабабларидан бири бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Афғонистондаги бошқа ички сиёсий кучлар, жумладан, “Толибон” орасида ҳам обрўга эга. Масалан, ҳаракатнинг Қатардаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Абдул Салом Ҳанафий Тошкент билан ҳамкорликка умидворлигини билдириб, “Толиблар ўз мамлакатида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида ташаббусларни илгари сурган Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди”, дея қайд этди.

Пандемиянинг оғир даврида Ўзбекистон яна бир бор ўзини афғон халқининг ҳақиқий дўсти сифатида намоён эта олгани, синовли кунларда ва қийинчиликларда уларни ёлғизлатиб қўймагани Афғонистон эътиборидан четда қолмади. Пандемия сабабли бошқа мамлакатлар Афғонистон билан чегараларини ёпган бир пайтда, Ўзбекистон афғонларга нисбатан биродарлик муносабатини намойиш этди. Ўзбекистон Президентининг қатъий тутуми туфайли чегарамиз ҳар доим барча транспорт юклари ташиш учун очиқ бўлиб келди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, муҳим моллар, хом ашё ва ёқилғи ортилган юк карвонлари Афғонистонга жўнатилиб, ушбу қийин пайтда мамлакатда меъёрий ҳаётни таъминлади.

Бундан ташқари, пандемия даврида Ўзбекистон Президенти бир неча бор афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Афғонистон Шимолидаги Мозори-Шариф шаҳрига ун, гуруч, ўсимлик мойи, шакар, болалар кийимлари, тиббий ҳимоя ва гигиена воситалари ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотлар етказиб берилди.

Таъкидлаш жоиз, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Президент Шавкат Мирзиёевга минтақада пандемиядан азият чеккан давлатларга, шу жумладан, Афғонистонга саховат ёрдами кўрсатишдаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдирди.

Шу боис бундай вазиятда Ўзбекистон томонининг тинчлик жараёнидаги иштироки, шубҳасиз, музокараларга ижобий таъсир кўрсатиши аниқ. АҚШ Небраска университетининг Афғоншунослик маркази директори Шер Аҳмадзай таъкидлаб ўтганидек, “Афғонистон ҳукумати ва халқи Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг маъмурияти афғон масаласига алоҳида эътибор қаратаётганидан мамнун. Одамлар Ўзбекистон ҳукуматининг Афғонистон масаласидаги иштирокига ижобий муносабатда бўлмоқда”.

Учинчидан, Ўзбекистон Президентининг сиёсий позицияси Афғонистонга янги нигоҳ билан қарашга, уни кенг миқёсли Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқишга имкон берди.

Американинг “The Diplomat” нашри шарҳловчиси Жеймс Дюрсов Ўзбекистоннинг Афғонистондаги тинчликка қўшган ҳиссасига бағишлаб ёзган сўнгги мақоласида “Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда ҳокимият тепасига келиши минтақанинг Афғонистонга нисбатан қарашларини ўзгартирди ва бу мамлакатни Марказий Осиёнинг бир қисми сифатида тан олинишига ҳисса қўшди. Марказий Осиёдаги мамлакатларнинг Афғонистонни минтақа иқтисодиётига қўшилишига ёрдам бериши бу ерда ҳукуматни мустаҳкамлаб, фуқаролар урушининг олдини олишга имкон бериши мумкин”, дея қайд этди.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу мамлакатни фақат таҳдид манбаи сифатида қабул қилишни тўхтатиш ва Афғонистонга имкониятлар нуқтаи назаридан қарашни бошлашга чақириғи халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланди. Ҳозирги кунда Афғонистонни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб қилиш зарурлиги тўғрисида умумий тушунча мавжуд.

Ушбу ғоя Тошкент конференцияси, шунингдек, 2017 йил ноябрь ойида Ашхободда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг еттинчи конференцияси ва 2018 йил май ойида Душанбеда бўлиб ўтган терроризм ва зўравон экстремизмга қарши кураш бўйича халқаро конференция иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожланиш дастурлари Афғонистонда миллий ярашувга эришиш учун бирлаштирувчи тамойил бўлиб хизмат қилиши ва Афғонистондаги вазиятни сиёсий жиҳатдан тартибга солиш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий асосини ташкил этиши мумкин, деган тушунчага эришилмоқда.

Хусусан, Марказий Осиё бўйича етакчи немис мутахассиси Гюнтер Кнабе ана шундай фикрда. Унинг таъкидлашича, “Ўзбекистоннинг Афғонистон стратегияси иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилиш учун асос бўлиши мумкин ва урушлардан узоқ вақт азият чекаётган мамлакатда можарони тугатишга ёрдам беради”.

Шу боис айтиш мумкин, бугунги кунда пайдо бўлаётган вазиятдан фойдаланиб, тинчлик жараёнининг давомийлиги ва тараққиётини таъминлаш, зиддиятли томонларни яраштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан бир қаторда, Афғонистоннинг иқтисодий келажагига сармоя киритишни бошлаш, Афғонистон ичидаги қарама-каршиликнинг барча иштирокчисига тинч ижодий меҳнат ва минтақавий ҳамкорликнинг ҳақиқий самараларини кўрсатиш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар айнан шу мақсадларга эришишга қаратилган ва афғонлараро ярашувни ривожлантириш, келажакда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун жуда муҳимдир.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ ЯНГИ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

←1

Мунозараларга бой бўлган ялпи мажлис давомида сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, маданият, санъат, илм-фан йўналишларида фаолият олиб бораётган икки мамлакат вакиллари ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, муносабатлар кўламини янада кенгайтиришга оид долзарб фикрларни билдирди. Дўстона руҳда, савол-жавоб, эркин мулоқот асносида кечган мунозараларда турли соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Шундан сўнг халқаро анжуман иши шуъба йиғилишларида давом этди. Алоҳида гуруҳларда ўтказилган мулоқотларда икки мамлакат етакчи экспертлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги сиёсий муносабатлар, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ҳолати ва истиқболи, давлатлараро илмий алоқалар сингари мавзуларда маъруза ва мунозаралар орқали ҳамкорликнинг турли масалалари бўйича фикр алмашдилар.

Мутахассисларнинг маърузаларида сиёсат, минтақавий интеграция, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалалари бўйича томонларнинг қарашларидаги умумий жиҳатлар, Ер юзида янгидан шаклланаётган тартиб-тамойиллар шароитида Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари, мамлакатларимизнинг Афғонистонда барқарорликни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси каби долзарб мавзулар муҳокама этилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва интилишлари, ёндашувлари тўғрисида: Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари” мавзуси иштирокчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

Иқтисодиётга оид шуъба йиғилишида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг узоқ истиқболдаги иқтисодий ҳамкорлигининг стратегик йўналишлари, савдо, инвестиция ва саноат кооперацияси бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш — халқларимиз фаровонлигини оширишнинг калити, Тожикистон ва Ўзбекистон олимлари ўртасида иқтисодий-демографик тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш, транспорт ва энергетика соҳасидаги алоқалар ҳамда интеграция муносабатларини ривожлантириш, минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аграр ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, молиявий-инвестициявий муносабатларни мустаҳкамлаш, чегара ҳудудларида савдо юритиш, ўқув-таълим соҳасидаги ҳамкорлик сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги илмий ҳамкорликка бағишланган давра суҳбатида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти ва Тожикистон Миллий Фанлар академияси Геология, сейсмик барқарор қурилиш ва сейсмология институти раҳбарлари, мутахассислари тегишли соҳалардаги долзарб муаммоларни, бу борадаги ўзаро ҳамкорлик истиқболини муҳокама қилдилар. Шунингдек, мажлис давомида икки давлат олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш илмий-инновацион салоҳиятни амалга оширишнинг муҳим омили, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг жорий ҳолати, истиқболи, экспериментал биология, ядро технологияларининг тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида қўлланиши, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.



Мулоқот давомида COVID-19 пандемияси шароитида глобал хавфсизлик, музликлар ва сув ресурсларини глобал ва минтақавий миқёсда ўрганиш бўйича ҳамкорлик истиқболи, биологик хилма-хиллик стратегияси каби мавзулар атрофида мунозара кечди.

Душанбе халқаро конференцияси иштирокчилари фақат маърузалар билан чекланмай, илмий йўналишда бир қатор самарали келишувларга ҳам эришдилар. Хусусан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ва Мирзо Турсунзода номидаги Тожикистон давлат маданият ва санъат институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тожикистон Миллий Фанлар академияси Ботаника, физиология ва генетика институти директори Бобозода Бақохожа Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти билан фан докторлари тайёрлаш ва генетика мутахассислигидан диссертациялар ҳимояси бўйича ўзаро англашув меморандуми имзолашни таклиф этди. Зеро, бугунги кунда Тожикистонда айни йўналишда мутахассислар етишмовчилиги яққол сезилмоқда.

Тожикистоннинг С. Умаров номидаги Физика-техника институти ва Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Мазкур келишув асосида томонлар ядро физикаси, назарий физика, яримўтказгичлар физикаси ва бошқа қатор йўналишлар бўйича биргаликда тадқиқот олиб боради.

Конференциянинг сўнгги шуъба йиғилиши маданий алоқаларга бағишланди. Унда ўзбек ва тожик халқлари тарихи, маданиятидаги умумий жиҳатлар, анъаналаримизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни, маънавий қадриятларимиз халқ дипломатиясини янада ривожлантириш омили экани хусусида маърузалар тингланди. Мунозара чоғида мумтоз адабиёт намуналарига оид қўлёзмалар бўйича тадқиқотлар, мақом санъатини ривожлантириш, маданий алоқаларни янада кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

Шуъба йиғилиши якунида Алишер Навоийнинг Тожикистон Миллий Фанлар академияси Ёзма мерос маркази Шарқ қўлёзмалари фондида сақланаётган қўлёзмаларига оид муҳокамалар бўлди. Марказнинг етакчи илмий ходими Саидҳожа Ализода биз учун жуда қимматли бўлган мазкур нодир қўлёзмалар ҳақида мутахассисларимизга маълумот берди.

Иштирокчилар мазкур халқаро илмий-амалий конференциянинг долзарблигини, икки мамлакат академик доираларининг дўстона муҳитдаги бундай учрашувлари Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклигини янги мазмун билан бойитишда улкан аҳамият касб этишини алоҳида қайд этдилар.

**ЎзА.**

ЎзА сурати.

*Сўз – конференция иштирокчиларига*

# АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАЁТГАНИДАН БАРЧАМИЗ МАМНУНМИЗ

*Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарларининг дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, ўзбек — тожик стратегик шериклигида янги саҳифанинг очилиши” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг турли йўналишларига доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.*

*ЎзА мухбири уларнинг айримларини ёзиб олди.*

**Хуршед Махшулзода ЗИЁЙИ, Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директори:**

— 2018 йилдан буён Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида улкан ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўша даврда, аниқроғи, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Душанбега ташрифидан сўнг мамлакатларимиз, айниқса, халқларимиз ўртасидаги муносабатларда туб бурилиш кузатилди. Бу ҳолатни ҳар икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро алоқалар ривожланишига қўшган шахсий ҳиссаси сифатида баҳолаш ўринли.

Биз ушбу анжуман давомида ўтган икки йил мобайнида олиб борилган изчил, мақсадли ва айни пайтда жуда самарали саъй-ҳаракатлар хусусиятига ўзига хос, адолатли баҳо бериш, олиб борилган ишларни таҳлил этиш, қолаверса, келгуси режаларни белгилаб олишни кўзлагандик. Ўйлайманки, конференция ташкилотчилари мақсадига эришди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бугунги кунда бошқа давлатларга ўрнак бўладиган даражада. Ниятимиз ушбу муносабатлар янада мустаҳкамланиб, Марказий Осиё, қолаверса, бошқа минтақаларга ҳам ёйилади.

Таҳлилчи-эксперт сифатида Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларидаги ижобий ютуқларни, аввало, халқларимиз ўз турмушида ҳис этаётганини таъкидламоқчиман. Конференция давомида экспертлар бир рақамни келтирди: фақатгина бир йилда Ўзбекистондан Тожикистонга ва бизнинг республикадан юртингизга бир ярим миллиондан зиёд фуқаролар ташриф буюрган. Демак, халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, қондошлик, биродарлик қайта тикланди. Шу ўринда бир ҳаётий мисолни келтираман. Яқинда бир вақтлар мен билан Таълим ва фан вазирлигида бирга ишлаган танишимни кўриб қолдим. Унинг айтишича, қизи анча йиллар олдин Ўзбекистон фуқаросига турмушга чиққан экан. Кўп йил мобайнида ҳаммамизга маълум бўлган тўсиқлар сабаб у қизи, неваралари билан кўришолмай келган. Энди эса дўстим атиги 20 дақиқа вақт сарфлаб, ҳеч қандай қийинчиликсиз, ўйнаб-кулиб жигарларини кўриб келяпти. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

**Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон санъат ва маданият институти ректори:**

— Ўзбек ва тожик халқларининг азалий дўстлиги сўнгги йилларда юқори суръатда мустаҳкамланиб бораётганидан барчамиз мамнунмиз. Мен Тожикистонга илк бор 1972 йил келгандим. Ҳозир гувоҳи бўлдимки, бугунги Тожикистон кечаги Тожикистон эмас. Туб ислоҳотлар натижасида бу қардош мамлакат янги қиёфа, кўркамлик касб этибди. Табиати янада гўзаллашиб, инсонлар учун яратилаётган қулайликлар, шарт-шароит бисёр бўлибди.

Мавлоно Жомий ва Ҳазрат Навоийдан мерос дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ниятида тикланган анъаналар бардавомлиги барчамизни хушнуд этмоқда. Жомий ва Навоийга хос устоз — шогирд муносабати, бир-бирига содиқлик бобидаги намунаси, қондош, жондош халқларимизни янада яқинлаштирди. Навоий Жомийни эҳтиром айлаб, “Хамсатул-мутаҳаййирин”ни битди. Устозининг эзгу амалларини фахр-ифтихор туйғулари билан келажак авлодга баён этди. Бундай буюк, ибратли фаолият барчамиз учун ўрнакдир. Ишончим комил, келажакда ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги янада кучаяди, ҳар иккала халқнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти бойиб, эзгу орзу-умидлари кўпаяверади.

Кутилганидек, мазкур конференция доирасида икки давлат ўртасида санъат ва маданият соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид долзарб масалаларни тожикистонлик соҳа фидойилари билан бирга ҳар томонлама муҳокама қилдик. Олдинда умумий режаларимиз кўп. Биргаликда амалга ошириладиган, санъат ва маданиятнинг азалий ва асосий мақсади бўлмиш эзгуликни тарғиб қилишга қаратилган қўшма лойиҳаларимиз икки халқни бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

**Шариф РАҲИМЗОДА, Тожикистон Миллий Фанлар академияси Иқтисодиёт ва демография институти директори:**

— Мутахассис сифатида Ўзбекистон — Тожикистон савдо-иқтисодий муносабатларини тўрт даврга бўлиш мумкин, деб ҳисоблайман. Бу давлатларимиз мустақилликка эришишигача бўлган давр, 1991 — 2000 йиллар, 2000 йилдан 2016 йилгача бўлган пайт ва 2016 йилдан кейинги давр. Ўзаро муносабатларимиз тарихининг аввалги уч босқичида турли даражадаги эврилишлар, кўтарилиш ва пасайиш, турғунлик жараёнларини кузатиш мумкин. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбарлигига келгач, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни мутлақо янги босқичга кўтариб, туб ижобий ўзгаришларга замин яратди.

Бугун баралла айта оламизки, муносабатларимиз мустаҳкам, дўстлигимиз абадий. Халқларимиз Президентларимиз раҳбарлигида кўзлаган олий марраларига, албатта, эришажак.

**ЎзА махсус мухбири Ғ. ХОННАЗАРОВ ёзиб олди.**

**Нуқтаи назар**

# ТАШҚИ ҚАРЗ ЖАҲОН МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ИШОНЧИ ЮҚОРИЛИГИНИ КЎРСАТАДИ

*Кўпчиликка яхши маълум, Ўзбекистон давлат қарзи, хусусан, ташқи қарз ва унинг таркиби бўйича расмий маълумотлар эълон қилингач, ижтимоий тармоқларда, интернет саҳифаларида айримлар томонидан вазиятни тўғри баҳоламасдан туриб, танқидий фикрлар билдирилмоқда.*

Аслида бу ҳам ижобий ҳолат. Чунки янгиланаётган Ўзбекистонда ҳар қандай соҳада очиқлик, шаффофлик алоҳида мезон сифатида белгиланган. Лекин давлат ва халқ манфаатлари билан боғлиқ масалаларда муносабат билдириш ёки хабар тарқатишдан олдин кун тартибидаги масалани атрофлича таҳлил қилиб, кейин муносабат билдирилса тўғри бўларди.

Мавжуд вазиятни инобатга олиб, Молия вазирлиги томонидан қанча қарз олинди, қайси соҳалар бўйича, кимлардан ва қайси валюталарда, қандай лойиҳалар молиялаштириляпти, унинг ижрочилари ким, барчаси бўйича аниқ маълумот берилиши кутилмоқда. Ташқи қарзнинг мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши бўйича кенг ва аниқ маълумотларнинг тақдим этилиши бу борада муҳим қадам, десак, муболаға бўлмайди.

Ташқи қарз дунёнинг ҳар қандай мамлакатида мавжуд бўлиб, у давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келадиган мажбуриятлар йиғиндиси ҳисобланади. Давлат ташқи қарзини муҳтожлик туфайли олинган оддий қарз маъносида тушунмаслик керак. Ушбу тушунча мақсадли кредитлар, сармоялар ва бошқа маблағларнинг мамлакат иқтисодиётига кириб келишини билдиради.

> *Давлат ташқи қарзини қайсидир маънода давлатга бўлган “ишонч миқдори” деб ҳам тушунса бўлади. Ахир қарз (ёки инвестиция) дуч келган одамга ёхуд давлатга берилавермайди-ку? Аввал унинг ишончлилиги, иқтисодий имкониятлари ва истиқболлари текширилади. Шунингдек, қарзларнинг айримлари узоқ ҳамда ўрта муддатларга олинади, имтиёзли даврда фоиз ставкаси тўланиб, қарз суммаси тўланмайди.*

Халқимизнинг фаровон ҳаётини ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш учун, аввало, инфратузилмани ривожлантириш талаб этилади. Аҳолининг яшаши, ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиши учун зарур бўлган энергетика, сув таъминоти, транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш учун Ҳукумат томонидан катта миқдордаги сармоялар талаб этилади.

Ички имкониятлар чекланган ҳолатда, давлат ташқи қарзи, асосан, инфратузилма, саноат ва қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига йўналтирилмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг 1-ярим йиллиги якуни бўйича жами давлат ташқи қарзининг 29,4 фоизи ёки 5,1 млрд. доллари энергетика соҳасига, 8 13,0 фоизи ёки 2,2 млрд. доллари транспорт инфратузилмасига, 12,9 фоизи ёки 2,2 млрд. доллари уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларига йўналтирилган маблағлар ҳиссасига тўғри келади.

Бир нарсани тушуниб олишимиз керак. Биринчидан, Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ташқи қарз миқдори жуда ҳам паст даражада, деб ҳисобланади. Буни ўлчашнинг ўзига яраша методикаси бор, масалан, ЯИМга нисбатан улушини олиш мумкин. Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йил 1 июль ҳолатига Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида жалб қилинган қарз қолдиғи дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 19,4 млрд. доллар эквивалентини ёки ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 34,0 фоизни ташкил этади. Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон ташқи қарзини ЯИМга нисбатан 55 фоизгача жалб этишни мўътадил ёки барқарор, деб баҳолашини маълум қилган.

Иккинчидан, ташқи қарз хавотирга тушадиган нарса эмас. Агар бу қарз нотўғри сарфланса ёки шаффоф бўлмаган жараёнлар орқали ўзлаштирилса, ана шундагина ҳар қандай хавотир ўринли ва асосли бўлади.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида жуда катта вазифаларни амалга оширишга бел боғланган. Хусусан, келгусида инвестицияларни барқарор жалб этиш ҳам ана шу муҳим вазифалар сирасига киради. Биламиз, инвестиция ўз-ўзидан кириб келмайди. Бунинг учун мамлакатда инфратузилмани ривожлантириш зарур.

Шу маънода, қарз олиб, уни ақл билан, илмга асосланиб, аниқ ҳисоб-китоблар билан сарфлаб, кейинчалик қарзни босқичма-босқич қайтариш жуда ҳам тўғри йўлдир. Пировард мақсад битта — халқимизнинг бугунгидан-да фаровон ва бахтли яшашини таъминлаш. Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ҳамда инвестиция киритиш учун энг жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш ҳам олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Зеро, жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига қарайдиган бўлсак ҳам мазкур амалиёт ўзини тўла оқлаган.

Бу борада бизга ишонч бағишлайдиган яна бир жиҳат шундаки, Президентимиз шу йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: “Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур. Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади”, деган эди. Бу ташқи қарзни макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳолатини инобатга олган ҳолда жалб этишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Шуни қайд этиш керакки, айни пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарз олиши масаласи муҳим. Чунки жалб қилинаётган давлат ташқи қарзлари энергетика, транспорт ва транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, кимё, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш сингари муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳаларга йўналтирилади. Агар четдан маблағ жалб этилмаса, ислоҳотларни Давлат бюджетидан амалга оширишга тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан, ташқи қарзни, биринчи навбатда, давлат дастурларини ва давлат зиммасидаги ижтимоий вазифаларни молиялаштиришга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ташқи қарзнинг мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши бўйича шаффофликни таъминлаш, бу борадаги ахборотлар кенг жамоатчиликка маълум қилинишини ҳам ижобий қадам сифатида баҳолаш зарур.

Умуман олганда, ташқи қарзларни нуфузли халқаро молия ташкилотларининг мамлакатимизга бўлган ишончи, деб баҳолашимиз жоиз. Такрор бўлса-да таъкидлаш ўринли, негаки, қарз ҳар қандай давлатга ҳам берилавермайди. Аввало, қарз олувчининг ишончлилиги, иқтисодий имкониятлари ва истиқболлари обдан кўздан кечирилади.

Мавжуд таҳлиллар, мамлакатимизнинг ички ресурс ҳамда имкониятларини, қолаверса, янги ислоҳотлар самарасидан келиб чиқиб шуни ишонч билан айтиш мумкинки, давлат ташқи қарзи борасида тушкунликка ёки хавотирга тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Жараён аниқ таҳлил ва ҳисоб-китобларга таянган ҳолда олиб борияпти.

**Актам ХАИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.**

# ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

**Фақат санитария-эпидемиология қоидаларига қатъий риоя этиш талаб қилинади.**





*Коронавирус пандемияси халқ таълими тизимидан ҳам мавжуд шароитларга мослашишни талаб қилмоқда. Хабарингиз бор, шу йилнинг март ойида мамлакатимизда эпидемиологик вазият кескинлаша бошлаганидан сўнг, карантин эълон қилинганди ҳамда коронавирус пандемиясига қарши кучайтирилган чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Хусусан, мактаблар фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. Карантин даврида ўғил-қизлар ўқишни давом эттириши учун ўқув йилининг 4-чорак ўқиши телевидение ва интернет орқали ташкил қилинди ҳамда онлайн дарслар эфирга узатила бошланди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда узатилган телевизион дарсларга 100 дан зиёд фидойи педагоглар — давлат мукофоти соҳиблари, дарслик муаллифлари, йилнинг энг яхши фан ўқитувчилари жалб қилинди. Илк бор синалган тажриба — онлайн дарслар маълум маънода ўзининг самарасини берди ҳам.*

## Таълим



Янги ўқув йилини қай тарзда бошлаш масаласида бир тўхтамга келиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш ёки болаларни уйда онлайн ўқитиш юзасидан сўровнома ўтказилди. Бунда ота-оналарнинг ўзларига танлаш ҳуқуқи берилди. Яъни болаларни мактабга юбориш ёки уйда онлайн ўқитиш масаласини ота-оналарнинг ўзлари ҳал қилишди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган сўровномада 5 миллион 500 минг ота-онадан 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни анъанавий шаклда олиб бориш тарафдори бўлган, 24 фоизи эса масофавий шаклда — теледарслар орқали давом эттиришни маъқул кўрган. Шундан сўнг мактабларда янги ўқув йили ҳам анъанавий, ҳам онлайн дарслар орқали ўтказилиши белгиланди.

Сўровнома натижаларига мувофиқ, шу йилнинг 7 сентябридан мамлакатимиздаги айрим умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятига рухсат берилди. Мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли қарор ҳудуддаги санитария-эпидемиологик ҳолат ва соғлиқни сақлаш тизими имкониятларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинди.

14 сентябрдан юртимиздаги бошқа мактабларда ҳам 2020/2021 ўқув йили учун таълим жараёнлари бошланди. Бунда бир томондан мамлакатдаги 6,2 миллиондан ортиқ ўқувчиларнинг, бошқа томондан уларга таълим берадиган ярим миллион нафарга яқин халқ таълими ходимлари — ўқитувчиларнинг саломатлигини асрашга эътибор қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари махсус лаборатория усулида коронавирус инфекциясига текширувдан ўтказилди. Лаборатория таҳлили натижасида касаллик аниқланган ўқитувчилар рўйхатга олиниб, уларнинг ҳолати ҳудудларда ташкил этилган мобиль тез тиббий ёрдам гуруҳлари томонидан ўрганилмоқда, касаллик симптомлари аниқланган ўқитувчилар шифохоналарда даволанишга юборилмоқда. Касаллик симптомсиз ва енгил шаклда кечаётган аксарият ўқитувчилар уй шароитида даволанишга ўтказилиб, белгиланган даво муолажаларига кўра, уларга бепул коронавирус бокслари (аптечкалар) етказиб беріляпти.

...14 сентябрь куни пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 263-умумий ўрта таълим мактабида ҳам таълим жараёни бошланди. Мазкур мактабга бу йил 210 нафар ўғил-қиз 1-синфга қабул қилинди. Таълим даргоҳи остонасига катта орзу-умидлар билан қадам қўйган ана шу жажжи болажонлар каби ота-оналар ҳам хурсанд.

— Қизим бугун биринчи синфга қадам қўйди, бундан қувончим чексиз, — дейди Алина Эрназарова. — Шу боис ўзгача ҳаяжон билан мактабга келдик. Ўқув қуролларидан иборат "Президент совғаси" унутилмас тухфа бўлди. Бу совға болаларимизнинг ҳам ёдида бир умр қолади ҳамда уларни яхши ўқишга ундайди. Пандемияга қарамай фарзандимнинг анъанавий усулда таълим олишини истадик. Чунки ҳеч нарса бундай дарслардаги сифатни таъминлай олмайди. Чунки анъанавий дарсларда ўқитувчи ўқувчига уйга вазифа бериб, топшириқларни кейинги дарсда сўрайди, текширади, баҳолайди. Ўқувчининг ўзлаштиришини бевосита назорат қилади, тушунмаганини тушунтиради. Бу жараёнда ўқувчи масъулиятни тўлиқ ҳис этади. Мактабларда қатъий назорат ўрнатилса, ниқоблар, антисептик воситалардан фойдаланиш, синфхоналарнинг тозалиги тўлиқ таъминланса, ўйлаймизки, хавотирга ўрин қолмайди.

Мустақиллик дарсида ўқувчиларга гўзал ва мафтункор юртимиз, давлатимиз рамзлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шундан сўнг телевизор орқали Ватанимиз тарихи, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус видеоролик намойиш этилди. Шунингдек, болаларга саломатлик дарси ҳам ўтилди. Унда бугунги кунда глобал муаммога айланган коронавирус инфекцияси ҳақида зарурий маълумотлар, уни юқтирмаслик учун қандай қоидаларга риоя қилиш лозимлиги ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

— Мамлакатимизда карантин қоидалари юмшатилган бўлса-да, пандемия хавфи ҳали-ҳамон сақланиб турибди, — дейди Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги 263-умумий ўрта таълим мактаби директори Жамила Тўраева. — Карантин қоидаларининг юмшатилиши кўча-кўйда одамларнинг кўпайишига, оқибатда вирус тарқалиш хавфининг ошишига олиб келиши мумкин. Шундай шароитда бир томондан болаларнинг саломатлиги, иккинчи томондан таълим сифатини ўйлашга тўғри келмоқда. Шу жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда, болалар ва ўқитувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласида барча тайёргарлик ишлари бажарилди. Мактабимизда қўл ювиш учун совунлар, антисептик воситалар бўлиши, бундан ташқари, захира эшикларига олиб борадиган йўлаклар тозалигига, хоналарнинг тез-тез шамоллатиб турилишига қатъий риоя қилиняпти. Ўқувчилар битта эшикдан кирадиган бўлса, пандемия шароитида ижтимоий масофа сақланмаслиги ҳисобга олиниб, мактабларда захира эшиклари очилди. Ва ҳар бир эшикдан қайси синфлар кириб-чиқиши белгилаб қўйилди.

Маълумот ўрнида айтиш лозим, бу йил мамлакатимиз бўйича 38 та янги мактаб қурилиб, уларнинг умумий сони 9986 тага етди. 249 та мактаб реконструкция қилинди, 185 таси мукаммал таъмирланди. Янги ўқув йилидан бошлаб жами 649 минг 119 ўқувчи 1-синфга қадам қўйди.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

# АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

*Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.*

## Хизмат

Бинобарин, мазкур ҳужжатга биноан жорий йилдан бошлаб аҳолига тижорат банклари томонидан янги тартиб асосида ипотека кредитлари ажратиш йўлга қўйилди. Бунда айрим шахсларга, шу жумладан, кам таъминланган ҳамда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўланиши белгилангани, айниқса, эътиборга молик.

Шунингдек, ҳужжатда одамлар бирламчи бозордан исталган жойдан ўзи танлаган уй-жойни ипотека кредити ҳисобига сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Бунда айрим шахсларга (кам даромадли ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларга) ипотека кредитлари учун субсидиялар ажратилади.

Дастур доирасида ипотека кредитлари аҳолига 20 йил муддатга тижорат фоиз ставкаларида (бугунги кунда 17-18 фоиздан) аннуитет тўлов шарти билан ажратилади. Бошланғич бадал 20 фоиз. Айрим шахсларга уй-жой бошланғич бадал суммасининг тенг ярми ва кредит фоизларининг вилоят шаҳарларида 10 фоиздан, Тошкент шаҳрида 12 фоиздан ортган қисми Давлат бюджети томонидан тўлаб берилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ипотека бозорини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган Фармон ҳамда қарорлардан бехабар баъзи кишилар тижорат банклари томонидан ажратилаётган ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкалари юқорилиги кредит тўловларини тўлашда қийинчилик туғдираётганлиги юзасидан эътирозлар билдирмоқда. Шундай тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида бу каби мурожаатлардан бирини кўриб чиқсак.

Бугунги кунда ипотека кредити ҳисобига уй-жой сотиб олмоқчи бўлган фуқаронинг маълум қилишича, у олмоқчи бўлган уй-жой баҳоси 260 млн. сўм бўлиб, бунинг учун 100 млн. сўм бадал маблағини банкка қўйиши кераклиги, бу пулларни жамлаш қийин кечгани, яъни ушбу бадал маблағини Россия Федерациясида бир неча йил ишлаб топганлигини маълум қилган. Айни ҳолатда ҳам 160 млн. сўм кредит олганидан сўнг ҳар ой 4 млн. сўм кредит тўлови тўланишини, бу пулларни эса Ўзбекистон шароитида топиш қийинлигини қайд этган. Ипотека банклари кредит фоизларини ўрнатишдан олдин бир ўйлаб кўришса, деган мулоҳаза билдириб, Россия Федерациясида ипотека кредити фоизлари бирмунча пастлигини айтиб ўтган.

Шундан келиб чиқиб, сўралган 260 млн. сўм мисолида банк томонидан фуқароларга таклиф этилаётган ипотека кредитлари бўйича ойлик кредит тўловларини ҳисоб-китоб қилиб кўрамиз.

Маълумки, мамлакатимизда кредитлар Давлат дастури доирасида ажратилади. Мазкур кредит аҳолига 20 йил муддатга 1 йил имтиёзли давр билан дастлабки 5 йилда 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасигача ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бошланғич бадал 15 фоиз этиб белгиланган.

Уй-жой баҳоси 260 млн. сўм бўлганда, бошланғич бадал 39 млн. сўм, ипотека кредити 221 млн. сўм бўлади.

Юқорида номи келтирилган Фармон бўйича эса аҳоли бирламчи бозордан ўзи танлаган уй-жойни ипотека кредити ҳисобига сотиб олади. Айрим шахсларга (ижтимоий ҳимояга муҳтож) ипотека кредитлари учун бошланғич бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўланади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги "Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартирали уйлардан хонадонлар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан фуқаро ипотека кредити олишда давлат томонидан ажратиладиган субсидиядан фойдаланиши мумкин. Бунда фуқаро вақтинча ишлаш учун хорижга кетган бўлса, унга ипотека кредити бўйича субсидия олишда устунлик берилади. Қолаверса, фуқаро хорижда бўлганда унинг номидан турмуш ўртоғи иштирок этиши ва бошқа шу каби енгилликлар ҳам кўзда тутилган.

Фуқаро томонидан сотиб олиниши режалаштирилган уй-жой бўйича Давлат дастури доирасида субсидия тўлаш орқали ҳамда тижорат шартидаги ипотека кредитларини қуйидаги жадвалда таққослаган ҳолда кўришимиз мумкин.

| | Давлат дастури доирасида (муддати 20 йил) | Қарз олувчига субсидия ажратиш дастури доирасида (муддати 20 йил) | Тижорат шартидаги ипотека кредити (муддати 20 йил) |
|---|---|---|---|
| Уй-жой баҳоси | 260 млн. сўм | | |
| Бошланғич бадал | 39 млн. сўм (15%) | 52 млн. сўм (20%) | 52 млн. сўм |
| Давлат томонидан қопланадиган қисми | - | 26 млн. сўм (10%) | - |
| Фуқаро томонидан шакллантириладиган қисми | 39 млн. сўм (15%) | 26 млн. сўм (10%) | 52 млн. сўм (20%) |
| Ипотека кредит суммаси | 221 млн. сўм | 208 млн. сўм | 208 млн. сўм |
| Ойлик кредит тўлови | 1 816.4 минг. сўм | 3 210 минг. сўм | 3 210 минг. сўм |
| Давлат томонидан қопланадиган қисми | - | 1 386.7 минг. сўм | - |
| Фуқаро томонидан тўланадиган қисми | 1 816.4 минг. сўм | 1 823.4 минг. сўм | 3 210 минг. сўм |
| Ипотека кредити 160 млн. сўм бўлганда ойлик тўлов: | 1 315 минг. сўм | 1 402.6 минг. сўм | 2 469,3 минг. сўм |

Кўриниб турибдики, фуқарога тижорат шартларида 160 млн. сўм ипотека кредити ажратилганда ҳам ойлик тўлов 2 469,3 минг. сўмдан ошмайди.

Фуқаро хорижда вақтинчалик ишлаётган бўлса давлат томонидан меҳнат мигрантларига жорий қилинган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда субсидия тўловлари асосида ипотека кредити олиш мумкин. Бунда фуқаро қуйидаги имтиёзларга эга бўлади:

Уй-жой қийматининг 10 фоиз қисми — 26 млн. сўм;

Ойлик кредит тўловларининг 10 фоиздан ортган қисми ойига 1,4 млн. сўм (5 йил давомида) тўлаб берилади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

Молия муассасаларида

# БУХОРОДА ҚУЁНЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Бунда «Микрокредитбанк» АТБнинг алоҳида ўрни бор.**

*"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан қуёнчилик соҳасининг такомиллашуви ҳамда ривожи учун бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, жорий йил мобайнида Бухоро вилоятида қуёнчилик соҳаси бўйича жами қиймати 23 млрд. 740 млн. сўмлик 8 та лойиҳа режалаштирилган.*

Ушбу лойиҳалар асосида ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 8 млрд. 705 млн. сўм, банк кредити ҳисобидан 15 млрд. 35 млн. сўм кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилганди. Ҳозирги кунга қадар 7 та лойиҳа учун 5 млрд. 35 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Жумладан, Ромитан туманида фаолият олиб бораётган "Муҳаммадзиё Озодбек Замини" фермер хўжалиги томонидан қуёнчилик агрофирмаси ташкил этилиб, Россиядан 600 бош "Хиккол" зотли қуёнлар олиб келинди. Агрофирмага 1 млрд. 600 млн. сўм кредит маблағи ажратилиб, ушбу маблағлар қурилиш ва таъмирлаш ишларига, қуён сотиб олишга, унинг озуқаси ҳамда бошқа харажатларга сарфланди. Агрофирмада қўшимча тарзда яна 10 та янги ишчи ўрни ташкил қилинди. Эътиборлиси, бу ерда шу йил якунига қадар қуёнлар бош сонини 25 000 тага етказиш режалаштирилган.

Шунингдек, "Ромитан Шўрча қуёнлари" МЧЖга ҳам Россиядан 200 бош "Хиккол" зотли қуёнлар олиб келинди. Мазкур жамиятга берилган 1 млрд. 280 млн. сўм кредит ҳам қурилиш ва таъмирлаш учун, қуён сотиб олишга, унинг озуқаси, қафаслар учун ҳамда бошқа харажатларга сарфланди. Жамият жамоаси ҳам шу йил якунига қадар қуёнлар бош сонини 8 000 тага етказишни мақсад қилган.

Вилоятда 2020 йилнинг ўтган даврида қуёнчилик билан шуғулланиш истагидаги жисмоний шахсларга 1 млрд. 630 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди ва 81 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, ҳудудда жорий йилнинг охирига қадар 400,0 млн. сўм кредит ҳисобига 570 та хонадонга 10 бошдан она қуён тарқатиш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтганда, 2020 йил якунига қадар вилоятдаги агрофирмалар ва аҳоли хонадонларига 15 млрд. 400 млн. сўмлик маблағлар ҳисобига қуёнлар сонини 43 500 бошга етказиш ҳамда 84 тонна қуён гўшти ва 43 500 дона қуён териси олиш мўлжалланган. Эътиборга молик жиҳати, бундай саъй-ҳаракатлар натижасида 600 кишининг бандлиги таъминланади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

ЭЪЛОН

## «Tahiyatosh IES» АЖ

**энергетика ускуналарида халқаро даражада энергоаудит бўйича ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилишини маълум қилади.**

Энергоаудит ўтказиш юзасидан тендер ҳужжатлари **tenderweek.com** ва **tahiyatosh-ies.uz** сайтларига жойлаштирилган.

**Танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 231001, Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиатош шаҳри, п/б №1.**

*Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги куни — 2020 йил 30 сентябрь.*

Мурожаат учун телефонлар: 61-572-70-54, 61-572-70-48, (46-3-49).
E-mail: tahtes@uzmail.uz
Масъул ходим: Казакбаев Алишер.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.20 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6